

## ЁШЛАРДА МУОМАЛА ОДОБИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ИМКОНИАТЛАРИ

*Бухоро шаҳар касб-хунар мактаби ўқитувчилари:*

**Н.Ж.Рахматова**

**М.И.Шаропова**

**М.Р.Мухамедова**

**Аннотация:** *Мақолада Шарқона тарбиянинг муҳим жиҳати бўлган инсонлараро ўзаро мулоқот маданияти ва унга эришиш йўл-йўриқлари тўғрисида фикр юритилиб, тавсиялар берилган.*

**Таянч сўз ва иборалар:** *Шарқона тарбия, муошарат одоби, ўзаро мулоқот, саломлашиш маданияти, умуминсоний қадриятлар, миллатнинг руҳи, маънавий асослар, маданий ва маънавий мерос, Шарқ ва Ғарб донишмандлари.*

Одамларнинг меҳр-оқибати, бир-бирларига нисбатан ўзаро ҳурмат эътиборда бўлишлари мулоқот жараёнида намоён бўлади. Халқимизда азалдан мулоқот саломлашиш маданиятидан бошланади. Саломлашиш турли халқларда ҳар хил амалга оширилади. Халқимизда саломлашиш ахлоқлилигининг юксак намунаси сифатида эътироф этилиб, унинг негизида умуминсоний қадриятларнинг устуворлиги, шу миллатнинг руҳий хусусиятлари, ўзаро муносабатларининг маънавий асослари, бўлажак мулоқотнинг характери, ўзаро ҳамкорлиги акс этади. —Қуръони каримда саломлашиш одоби мусулмон аҳлининг қатъий мажбурий бурчи тарзида баён этилади: —Эй мўминлар, ўз уйлариңиздан бошқа уйларга то изн сўрамағуниңизча ва эгаларига салом бермағуниңизча кирманғиз. Мана шу сизлар учун яхшироқдир. Шояд ушбу эслатмадан ибрат олсанғизлар! [2]. Аждодларимиз маданий ва маънавий мероси, улар яратган сўз, халқ тилининг туганмас бойлиги ёш авлодни тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади. Бу ўринда Абу Наср Форобий, Абу Абдуллоҳ алХоразмий, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий, Хисрав Дехлавий, Абу Ҳамид Ғаззолий, Кайкобус, Шайх Саъдий, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва бошқа Шарқ ва Ғарб донишмандларининг бой меросларида фарзандларни тарбиялаш ва камолотга етказиш асосий муаммо сифатида тарғиб қилинган. Улар сўзни ва нутқни таълим-тарбияда илоҳий неъмат ва ҳикмат деб билишган ҳамда ҳар бир сўзнинг ўз ўрни ва аҳамияти борлигини, тарбияда сўздан кучлироқ ва қудратлироқ нарса йўқлигини, тилга эътибор элга эътибор эканлигини, сўз сеҳри мўъжизалар ярата олишини таъкидлаб келганлар. Буларнинг барчаси мударрис ва шогирдларнинг самимий мулоқоти жараёнида амалга оширилган. Мударрислар баркамол ва тарбияланган инсоннинг ўнта нишонаси борлигини алоҳида таъкидлашган: — биринчиси: халқ тўғри деб топган нарсага нотўғри деб қарамаслик; — иккинчиси: ёшлиқдан ўз нафсига эрк бермаслик; —



учинчиси: бировлардан асло айб қидирмаслик; — тўртинчиси: ёмонлик ва омадсизликни яхшиликка йўйиш; — бешинчиси: агар гуноҳкор узр сўраса, узрини қабул қилиш ва кечиримли бўлиш; — олтинчиси: муҳожирлар ҳожатини чиқариш; — еттинчиси: доимо эл ғамини ейиш; — саккизинчиси: айбини тан олиш; — тўққизинчиси: эл билан очиқ чехрали бўлиш; — ўнинчиси: одамлар билан доимо ширин муомалада бўлиш. Мулоқот Шарқона тарбияда ахлоқ кўрки саналган. Муаллим ҳар бир ўқувчининг қандай дунёқарашга эғалиги, тафаккури, билим савияси, ҳаётга нисбатан муносабати одамлар билан ўзаро мулоқотида намоён бўлишини уқтиришган. Шарқ мутафаккирлари меросида мулоқот - азалдан инсонлар ўртасидаги ўзаро алоқа воситаси бўлган. Мулоқотнинг асосий қуроли тил ҳисобланган. Шунинг учун ҳам тил - алоқа қуроли сифатида таърифланади. Инсоннинг тили ширин, муомала маданиятига эга бўлса, қисқа вақт ичида халқ орасида обрў-эътибор топади. Кўп гапириш ҳеч қачон кишига обрў келтирмайди. Шунинг учун ҳам ўтмишда яшаб ўтган мутафаккирларимиз тилга, айтиладиган ҳар бир сўзга ҳурмат билан, ўйлаб ёндашиш лозимлигини уқтириб ўтганлар. Ўқитувчи —Сўз айтишдан аввал, ҳар дақиқада сўз ортидан келадиган оқибатларни ўйлаши керак (И.П.Павлов) [4]. Алишер Навоий адабий меросларида муомала маданияти, хушмуомалалик, тилнинг аҳамияти тўғрисида, ширинсўзлик ҳақида ноёб фикрларни баён қилган. Бугунги кунда ҳам бу фикрлар ўз аҳамиятини йўқотган эмас. «Тил ширинлиги - кўнгилга ёқимлидир, мулойимлиги эса фойдали. Ширин сўз соф кўнгиллар учун асал каби тотлидир» - дейди Алишер Навоий. Ўқувчилар нутқини ўстиришда ўқитувчининг тил бойлиги муҳим аҳамиятга эга: бир томондан, ширин тиллилик ўқувчини ўқитиш ва тафаккурини ривожлантиришнинг муҳим омили бўлиб ҳисобланади. Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, ўқитувчининг тил бойлиги нутқининг образли, чиройли, жарангдор, намунали бўлишини таъминлайди, натижада ўқувчи диққатини ўзига жалб этади. Зотан, тил ва нутқнинг теранлиги, ўқитувчининг маҳоратини, маънавий бойлигини, ўқитувчилик қобилиятининг қай даражада эканлигини ифодаладиган ўлчов, кўрсаткич ҳисобланади. Америкалик шоир Рольф Эмерсон: —Нутқ қудратли куч: у ишонтиради, ундайди, мажбур қилади! дейди [5]. Шарқ мутафаккирлари ижодида тил ва нутқ воситалари орқали нотик, воиз, бадихағўй, қиссахон каби махсус санъат аҳиллари ва мударрислар диний, таълим-тарбиявий, исломий ақидаларни оммага сингдиришгани, панд-насихатлар қилишгани баён этилади. Ушбу нутқ соҳиблари кенг қамровли билимга, бой ахборотга эга бўлишган. Алишер Навоий —Воиз олимнинг ўзи аввало ҳалол иш кўрувчи бўлишини, унинг наснҳатидан чиқмасликни! асарларида баён этган [6]. Шунинг учун тил ширинлиги ва нотиклик санъати устида ишлаш, нутқ маданиятини такомиллаштириб бориш ҳар бир ўқитувчининг энг асосий ижтимоий бурчи ва масъулияти ҳисобланади. Таълим-тарбия жараёнида нутқнинг таъсир кучи ниҳоятда беқиёсдир. Ўқитувчининг тили нутқий қобилияти ўқувчиларнинг ўзларини тута билишларига, хулқ-автори ва фикр юритишларига улкан таъсир этувчи кучли воситалардир. Ўқитувчининг —тил бойлиги ва нотиклик санъати барча замонларда



ёнма-ён яшаб келган|| (А.П.Чехов) [4]. Унинг ҳис туйғуси, интилишлари, ирода ва эътиқоди нутқида акс этади. Ўқитувчи тил бойлиги билан ўқувчиларда хурсандчилик, руҳланиш, муҳаббат, Ватанга садоқат, ғазабланиш, нафратланиш ҳиссиётларини уйғотади, билим олишга ундайди. Шунинг учун ўқитувчи —тилнинг халқ ўтмиши, ҳозирги ва келажак авлодни буюк бир яхлитликка, тарихий, жонли бир жипсликка айланттирувчи энг ҳаётий, энг бой ва энг мустаҳкам восита|| (К.Д. Ушинский) эканлигини унутмаслиги керак. Кишиларнинг бир-бирлари билан ўзаро муносабатларида ширинсуханлик, гўзаллик, сўзлашув оҳангидаги мулойимлик —Муошарат одоби|| дейилади. Муошарат одоби инсоннинг гўдаклигида ота-она бағрида, оилада шакллантирилиши керак. Жумладан, ал Форобийнинг —Фозил одамлар шаҳри|| асарида асосий ғоя - фозил кишилар образи. У ким бўлишидан қатъий назар шоҳми, гадоми, оддий фуқароми фозил кишидир. Шаҳарнинг фозил кишилари бир-бирларига нисбатан хурмат ва иззатда бўладилар. Отаона ва фарзанд, устоз ва шогирд, дўстлар, қариндошлар ўртасида шарқона назокат, меҳр ва эҳтиром мавжуд. Форобий асарида бундан бир неча аср илгари ҳам ота-боболаримизнинг маънавияти нақадар юксак бўлганлиги ва бу авлодларга ўрнатилган бўлиши таъкидланади. Демак, муошарат одоби нафақат миллий анъаналаримиз ва урфодатларимизнинг кўзгуси бўлган, балки дунёдаги барча халқларнинг ноёб инсоний фазилати сифатида эътироф этилган. Инсоннинг энг улуғ, лекин мураккаб ва машаққатли фаолиятларидан бири одамлар орасида, яъни жамиятда ўз ўрнини топиб яшашидир. Бу фаолиятнинг мураккаблиги шундаки, кўпчиликка қўшилиш, улар билан аҳил бўлиб яшаш учун инсонда шунга яраша муомала ва муносабат бўлиши керак. Муомала ва муносабатда ўқувчиларнинг дилига тўғри келмайдиган кўпол ва дилозор муносабат олиб борувчи ўқшувчиларни ҳеч ким ёқирмайди. Ўқувчилар хушфёъл, ширинсухан, адолатпарвар, муомаласи ширин ўқитувчи ва тарбиячиларни дилдан ёқтиришадилар ва хурмат-эътибор қилишади. Ўқитувчининг —ақл-заковати, фикри, ҳис-туйғулари, билими ва маданий савияси, тафаккури маълум даражада сўзда ифода этилади. Муомала маданиятида сўз ақлдан куч, тилдан ихтиёр олади|| [1]. Чунки сўзнинг кудрати катта. Ўқитувчи ўз сўзига, тилига ниҳоятда эҳтиёткор бўлмоғи лозим. Энг аввало, ўқувчиларга муомала маданиятини, катталар олдида ўзини тута билиши, гапини бўлмаслиги, ёши улуғларга гап қайтармасликни ўргатиш зарур. Мулоқот маданияти ҳамма жойда керак. Иш жойида, транспортда, уйда биз ким билан қандай муомала қилишни билишимиз зарур. Ўқитувчининг қанчалик билимли, ақлзаковатли эканлиги ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари билан олиб борадиган мулоқоти орқали намоён бўлади. Одамлар бутун ички дунёсини, мақсадини, муомала ва муносабатларини бир-бирларига сўз ёрдамида етказадилар, амалга оширадилар. Шу туфайли сўзлашув муносабатлари ниҳоятда гўзал ва мулойим бўлишини ҳаёт тақозо этади. Глобаллашув жараёнида таълим муассасалари педагог ходимлари олдида турган ўта масъулиятли вазифалар ҳам шундан иборат эканлигини унутмаслик керак.



**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Абдуллаев Ҳ. Яшил дафтар ҳикмати. -Т.: Ўқитувчи, 2000.
2. Авлоний А. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. - Т.: Ўзбекистон, 1992, 160 б .
3. Давлетшин М.Г. Замонавий мактаб ўқитувчисининг психологияси.- Т.: Ўзбекистон, 1999, 29 б.